
Жалаер маҳалласида асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда

Қува туманида “Ташаббусли бюджет” жараёни жадал суръатда давом этмоқда. Хусусан, Жалаер маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси фаол иштирок этиб “Опен бюджет” ахборот порталига ички йўлларни асфальтлаштириш юзасидан жойлаштирилган 2 та лойиҳа энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган эди.

Бугунги кунда ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг Дўстлик, Тинчлик, Фарзандлар, Бирлик, Ўйингоҳ ва Тол кўчаларининг жами 6 км қисмида асфальтлаш ишлари амалга оширилиб, мазкур ишларни амалга ошириш учун жами 2,3 млрд.сўмга яқин маблағлар сарфланди.

2022-11-28 09:39:08